

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ  
ПРОФИЛАКТИКАСИ БҮЙИЧА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БҮЙИЧА  
ИЛГОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7882997>

Шукруллаев Шохрух Саъдулла ўғли  
ИИВ Академияси З-босқич курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада тадқиқот мавзусининг долзарблиги, профилактика инспекторининг безорилик жинояти профилактикаси бүйича фаолиятини такомиллаштириш бүйича тушунчаси, профилактика чоратадбирларининг бугунги қундаги ҳолати ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Бундан ташқари профилактика инспекторининг безорилик жинояти профилактикаси бүйича фаолиятини такомиллаштириш бүйича нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият бүйича юритиладиган процессуал хужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бүйича бир қатор тақлифлар. Профилактика инспекторининг безорилик жинояти профилактикаси бүйича фаолиятини такомиллаштириши ташкил этиш бүйича илғор хориж тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшашиб томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Профилактика инспектори, такомиллаштириш, илғор хориж тажрибаси, нормаларнинг амалиёт таҳлили, безорилик жинояти.

## КИРИШ

Бугунги қунда профилактика инспектори жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, жамоат хавфсизлигини қуриклашда давлат хокимяти таянадиган маҳсус ижтимоий иниситутга айланиб колди.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратилмоқда. Чунки Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдор. «Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир»<sup>94</sup>.

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сент.

Турли давлатларда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш фаолияти турлича йўллар, усууллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимиз жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш тизимиға татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир. Маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш бу масалага тизимли ёндашувни талаб қиласиди.

### АСОСИЙ ҚИСМ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар бир давлатнинг жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш тизими бошқа мамлакатларнидан муайян хусусияти билан ажралиб туради. Бу борада ўзига хос тажриба **Россия Федерациясида** тўпланган. Мамлакат Конституциясининг 72-моддасига мувофиқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш Россия Федерацияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқаруvida амалга оширилади.

Европа мамлакатлари орасида маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос тизим **Германияда** қарор топган.

Мамлакатда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш тизими марказлашмаган бўлиб, ўлкалар ҳуқуқ-тартибот хизматлари маҳсус тартиб бўйича давлат органларидан фарқланади.

Германияда маҳаллий ҳокимият органига раҳбарлик қилувчи шахс ҳудуддаги полиция ташкилотининг ҳам биринчи амалдори ҳисобланади. Бинобарин, айрим ўлкалар полициялари бутунлай ёки қисман давлатга қараса, баъзилари коммунал муассасалар ҳисобланади. Мамлакат жамоат тартибини сақлаш полициясида 160-165 минг нафар ходим хизмат қиласиди<sup>25</sup>.

Европа мамлакатлари орасида жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим **Францияда** шаклланган. Франция полицияси бугунги кунда Ички ишлар вазирилиги тизимида бирлашган икки асосий марказий инситут - Миллий полиция ва Жандармериядан иборат.

Франциянинг тўлиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланадиган муниципал полицияси шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлайди ҳамда ҳавфсизлигини таъминлайди.

Осиёда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида ўзига хос тизимга эга давлатлардан бири **Япония** ҳисобланади. Мамлакатда полиция ташкил этилган 1874 йилдан 1947 йилга қадар бутун бир марказлашган тизим шаклланган бўлса, урушдан кейин 1954 йилда қабул қилинган “Полиция ҳақида”ги қонунига мувофиқ, давлат аппаратида полиция кучларига раҳбарлик ва умумий назоратни амалга ошириш

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH**  
**VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)**

вазифаси тўғридан-тўғри Бosh вазирга бўйсунувчи Жамоат ҳавфсизлиги давлат комиссиясига топширилган.

Жойлардаги Жамоат ҳавфсизлиги префектурал комиссиялари эса маҳаллий префектура губернаторига бўйсунади. Қонунга мувофиқ, жамоат ҳавфсизлиги давлат комиссияси ўз функцияларини амалда полиция бош бошқаармасига кўрсатмалар бериш орқали бажаради<sup>26</sup>.

Америка Кўшма Штатлари маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича дунёда ўзига хос тизим ва илгор тажрибага эга бўлган давлат ҳисобланади. АКШда 18789 та маҳаллий полиция участкалари мавжуд бўлиб, уларнинг 13578 таси умумий тартибдаги маҳаллий полиция бўлинмалари, 3088 таси шерифлар идоралари, 49 таси штатлар бўлинмалари ва колганлари эса маҳсус юрисдикция бўлинмалари ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш керакки, ҳалқаро тажрибадан дунёнинг кўпгина мамлакатларида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фуқароларнинг имкониятидан фойдалниш ижобий натижа берайтганлигини қўзатиш мумкин. Масалан, жиноятчиликка қарши самарали курашиш мақсадида Шотландия ва Швецияда фуқаролардан ташкил этилган « штатсиз ходим » ,Исройлда эса кўнгиллилар фаолияти йулга қўйилган бўлиб, уларнинг хизмати олиб боришлари мазкур давлатларнинг қонун ва қонуности норматив ҳужжатлари билан тартибга солинган, Германия давлатида эса фуқароларнинг ҳуқуқий онги шунчалик даражада ривожланганки, қўчаларда фуқаролар дўконларда нарсалар сотища ўғирлик жиноятлари содир этилмайди, хеч ким талон-тарож ҳам қилмайди. Туркия давлатида бир неча шаҳарларида эса полиция хизмати фуқаролардан жиноятчиликка қарши қурашда, ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ва бошқа ҳодисалардан хабардор бўлиш мақсадида қўчаларда сигналлар ўрнатилган, улар жиноят ёки бошқа хабарларини полицияга хабар бериб турди, бу айниқса шаҳарларда криминоген вазиятни бартараф этишга имкон беради.

АҚШ, Исройл каби ривожланган давлатларнинг илгор тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда, қўни-қўшнилари мулкларининг дахлсизлигини таъминлаш, оиласий-маиший муаммоларига барҳам бериш ва ўзи яшаётган жойда хавфсиз ҳудуд барпо этилишида ҳисса қўшиш бўйича ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш ва зарур хабарларни бериш билан шуғулланувчи **«Огоҳ қўшни» жамоатчилик тузилмасини** ташкил этиш, ҳар бир маҳаллада юзга яқин бундай жамоатчилик тузилмаси фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам жамоатчилик масканларининг ташкил этилиши орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг жиловини сезиларли даражада қўлга олдик. Бундай масканларнинг юртимизда

# JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

## VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

фаолиятини тўғри ташкил этсак, албатта, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кўрсаткичларини анча даражада камайтиришга эришамиз.

Россия Федерацияънинг ҳам полиция тизими қўйидаги жиҳатлари билан бошқа хорижий давлатлар полиция тизимларидан фарқ қилади:

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва бошқа асосий вазифалар билан бир қаторда, коммуникация ва сервис хизматларини кўрсатиш, фуқаролар ишончини қозониш ва улар билан яқин ҳамкорлик қилиш, жамоат тузилмалари фаолиятига кўмаклашиш кабилар ҳам полицияънинг муҳим вазифалари ҳисобланади. Жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги полицияънинг жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлайди;

Коррупция ҳолатларини келтириб чиқаришга имкон берадиган кўпгина вазифалар (автотранспорт воситасига давлат рақамини бериш, ов қуролини сақлашга рухсатнома бериш ва ҳ.к.) полиция тизимида ходимлар томонидан эмас, балки замонавий компьютер технологиялари ва дастурий таъминотлари орқали амалга оширилади;

Полиция тизимида хизмат олиб борадиган ходимларнинг ваколат бўйичааси анча кенг. Масалан, полиция патруллик нарядлари транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бўзганлиги учун маъмурий баённомалар расмийлаштириши, гумон қилинувчи шахсларни ҳужжатларини текшириши, шубҳали буюмларни мусодара қилиши ва бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин;

Полиция тизимида департаментлар, махсус тайёргарликдан ўтган ҳолда танланган, замонавий махсус техник воситалар ва ўқотар қуроллар билан жиҳозланган патрулларнинг фаолияти самарали йўлга қўйилган.

Юқоридаги Россия Федерацияси тажрибасидан кўриниб турибдики, полиция ходимига кўпгина ваколатлар берилган. Бу эса жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга хизмат қилади ҳамда криминоген вазияти заарсизлантиришга хизмат қилади.

**Хорижий давлатлар жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш тизимида таянч пунктларининг тутган ўрни.** Ўзбекистондаги таянч пунктларига ўхшаш тузилмалар Россияда “тартибни сақлаш таянч пунктлари” деб номланиб, уларнинг мақсади жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг фаоллигини ошириш ҳамда давлат органлари билан ҳамкорлигини яхшилашдан иборат. Тартибни сақлаш таянч пунктлари жамоатчилик органи ҳисбланиб, унга кирувчи жамоатчилик тузилмаларининг келишилган ҳолда фаолият Кенгашлар томонидан таъминланади. Россия Федерациясида ички ишлар органлари тизими милициядан полицияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари “полиция участка пунктлари” сифатида номлана бошлади.

Полиция участка нозири полиция участка пунктларининг асосий субъектларидан бири бўлиб, уларнинг фаолияти Федерация ИИВнинг 2012 йил 31-декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган “Полиция участка нозирларининг фаолияти масалалари”га бўйича буйруқ асосида ташкил этилади. Норматив-хукуқий ҳужжатларда полиция участка нозирларининг асосий хизмат вақти маъмурӣ ҳудудда ўтиши белгиланган бўлиб, улар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда тадбирлар олиб бориш зарурати туғилганда полиция участка пунктларида фаолият қўрсатадилар. Ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, мамлакат аҳолисининг **70** фози ҳудудий яқинлиги ва тезкор ҳаракат қилиш имкониятини инобатга олиб, полиция участка нозирларига мурожаат этишни маъқул қўрадилар.

“Полиция тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига кўра, полиция участка нозирларини маъмурӣ ҳудудда хизмат олиб боришига мўлжалланган бино билан таъминлаш, мазкур бинони мебель, тегишли техника ва алоқа воситалари билан таъминлаш федерал бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Россия Федерациясида полиция участка нозирларини лавозимга тайинлаш ва ундан озод этиш туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғи томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг розилиги билан амалга оширилади. Норматив-хукуқий ҳужжатларда полиция участка нозирларига, жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан ташқари, яна бир қатор вазифалар юклатилган.

Шунингдек, Россия Полициясининг бир қатор ҳудудий ички ишлар органлари тизимида полиция участка нозирининг ёрдамчиси лавозими мавжуд бўлиб, ушбу лавозимга қабул қилинган ҳар бир ходим туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғининг буйруғи билан муайян полиция участка нозирига бириктирилади ҳамда унинг раҳбарлигига хизмат қиласиди. Полиция участка нозирининг жиноят ва ҳуқуқбузарлик ишлари юзасидан мустақил процессуал қарор қабул қилишдан ташқари барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан унинг ёрдамчиси ҳам фойдаланишга руҳсат этилади<sup>27</sup>.

Германия полициясининг аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи энг қуи тузилмалари ҳам тартибни сақлаш пунктлари ҳисобланади. Улар турли жойларда турлича: “Бош полиция вахталари”, “Полиция станциялари”, “Полиция постлари”, каби номланиши мумкин. Ушбу тузилмалар ҳам, таянч пунктлари сингари, кечаю-кундўз фаолият қўрсатади.

Японияда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш полициянинг қуи бўғинлари полиция пост ва пунктлари томонидан амалга оширилади. Мамлакатда полиция тизимини такомиллаштириб боришнинг устувор йўналишларидан бири уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириб боришдан иборат.

Бугунги кунда Япония давлатида полиция тизими шу қадар ривожлаганки, фуқаролар билан ҳар бир полиция ходими ўртасида яхши муносабат йўлга қўйилган. Буларни нималарда кўришимиз мумкин. Мисол учун ҳар бир полиция ходими ўзининг олдида тугма ва бир қанча рангда иплар ва игна олиб юрадилар. Мабодо кўчада кетаётган фуқаронинг кийимидағи тугмаси ўзилса, полиция ходими ўша фуқаронинг олдига бориб, унинг тугмасини тикиб беради. Бу албатта фуқаролар билан полиция ходими ўртасида яхши муносабат йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Хорижий давлатлар ички ишлар органлари жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини сақлашда бир қатор усуллардан фойдаланадилар. *Патруллик қилиш* бу борадаги асосий усуллардан бири бўлиб, ички ишлар органлари ходимининг айrim маҳаллий яшовчилар билан тўсатдан учрашиб қолиши эмас, балки маъмурий худуддаги жамиятнинг барча бўғинлари билан фаол алоқада бўлиш, намунали ўзаро муносабат ўрнатиш ва маслаҳатлар бериш ҳақида амалий келишувлар тўзишга қаратилган режали тадбирларни назарда тутади<sup>28</sup>. Кўплаб давлатлар ички ишлар органлари шахсий таркибининг 60-75 фоизини патруллик хизматлари ташкил этиши ҳам фаолиятнинг ушбу турига бўлган катта эътибордан далолатdir.

Патруллик қилиш ҳудуд ва жиноятчиликнинг интенсивлиги даражасини инобатга олган ҳолда ошкора ва ноошкора йўллар билан ҳуқуқ-тартиботга қарши тайёрланаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олишга қаратилган тезкор, мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, жиноятчига қарши жамият ҳимоясининг биринчи чизиғидир.

Патруллик нарядлари хизмат фаолияти мобайнида ҳуқуқбузарликларнинг олдини оладилар, яширган жиноятчиларни қидириб топишда иштирок этадилар, бошқа тармоқ хизматлари учун керакли маълумотларни тўплайдилар ҳамда турли фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатадилар.

Хорижий давлатларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлашда кенг қўлланиладиган усуллардан яна бири “**муаммони ҳал қилиш**” бўлиб, у полиция томонидан қўлланиладиган замонавий усулларни ўз ичига олган янги иш усули ҳисобланади<sup>29</sup>. Эътибор берсак, полицияънинг анъанавий иш усули ҳуқуқбўзар ёки жиноятчининг шахсини аниқлаш ва уларни жазолашга қаратилган. Бироқ, ишга бундай ёндашиш ҳамма вақт ҳам кутилган натижани беравермайди. Муаммони ҳал қилишда полиция жамиятда ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилишига олиб келадиган муаммо ва сабабларни ўрганади ҳамда уларни бартараф қилиш чораларини кўради. Қолаверса, мазкур усул жиноятга мойил шахсларнинг жиноий йўлни танлашига сабаб бўладиган, ҳаётдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни назарда тутади ва кенг жамоатчилик ёрдамига таянади.

Бугунги кунда муаммони ҳал қилиш усулининг жамиятдаги ўрнини мунтазам равишда ўрганиб бориш мақсадида Европа давлатларининг

кўпчилигида “САРА”, “Муаммони ҳал қилиш модули”, “Муаммони ҳал қилиш учбурчаги” деб номланган турли моделлардан фойдаланилади. Бу моделлар муаммони ҳал қилишнинг турли босқичларида уни самарали амалга оширишга шароит яратади ҳамда мазкур усулнинг фуқароларга берган нафини баҳолаш имконини беради.

Юқоридаги илмий таҳлиллар ички ишлар органларини бошқаришнинг полиция тизими қарор топган мамлакатларда ҳам маъмурий худудларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлашда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш шакл ва усуллари ўзига хос ўринга эга эканлиги яққол кўрсатади.

### ХУЛОСА

«Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»<sup>1</sup>. Президентимиз томонидан бундай фикрларнинг ўртага ташланиши бежиз эмас. Бугунги ҳаёт, тараққиёт, янги ғояларни, янги фикрларни, ҳар бир соҳада илм-фан билан ҳамкорликни талаб қилмоқда. Инновацион ривожланиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Бу жараён бевосита ички ишлар тизими фаолияти билан ҳам боғлиқ. Зоро, мамлакатимизда 2022 йил «Йошларни куллаб-куватлаш ва фаол махфлла йили» деб эълон қилиниши ҳам ички ишлар тизимида жиддий ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади.

Бугунги кунда, профилактика инспекторининг криминоген вазиятни таҳлил этиш фаолиятини ўрганиш ва баҳолашда шубҳасиз безорилик ҳуқуқбузарлиги сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Мамлакат ичидаги жиноятчилик доимо давлат органлари ва жамоатчилик томонидан қаттиқ назорат қилиб борилади. Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор ўзоқ муддатли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва улар жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини белгилаб беради. Ҳар қандай жамиятда жиноятчиликка қарши кураш, унинг сабаб ва шароитларини бартараф қилиш энг асосий долзарб муоммалардан биридир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов. 2007-йил 25-октябрь ички ишлар идоралари ходимлари куни байрами муносабати билан йўллаган байрам табригида. Тошкент- 2007-йил Поста.

2. Конституция - эркин ва фарован ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцсияси қабул

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH**  
**VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)**

қилинганининг 25 йиллига бағишланган тантанали маросимида. 2017-йил 8- декабрь Ҳалқ сўзи.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йилнинг 9-февраль куни Ички ишлар фаолияти, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор. Тошкент 2017-йил Поста.

4. ИИВнинг 2017-йил 12-июлдаги 151-сонли буйруғи.Т- 2017 йил

5. Ички ишлар Вазири П.Бобожоновнинг оммавий ахборат воситаларига берган интервюсида. Тошкент 2022-йил 24-феврал Поста №9.

6. Ички ишлар органларининг профилактика хизматларининг жиноятларнинг олдин олиш фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш.Ўқув қўлланма. Ж.С.Мухторов.

7. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. ИИВ Академия.

8. И.С.Жахонгиров. Криминология. Дарслик. Махсус қисм.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Ҳалқ сўзи. – 2017. – 19 сентябр.

10. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборатномаси. –2022 йил Махсус 91-сон.

4.11. Ўзбекистон

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳалқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Ҳалқ сўзи. – 2022. – 10 ноябр.

12. ИИО нинг жиноятларни олдини олиш фаолиятида виктимологик имкониятларидан фойдаланиш Р.А Хатамов Т-2004 ЙИЛ 78--80 .

13 Г.А.Аванесов. Криминология и социальная профилактика. М 1980 С 459.Криминология общая часть. 2002 г.

14. З.С.Зарипов Вояга этмаганлар ҳуқуқбузарликлари учун муқобил чоралар. Ҳалқаро ҳуқуқ. Т 2022

15. Ички ишлар идоралдарида ислохотлар - тинчлик ва осойишталик гарови: И. Исмаилов, Ў.Х. Мухамедов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С. Мухтаров, Б.Э. Закиров, Д.М. Миразов, А.А. Пардиев, А.А. Матчанов, Н.Т. Исмоилов: Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2014 -йил

16. Криминология дарслик З.С Зарипов И.Исмаилов Тошкент-2020 –й 155-158. Б.

17. Г.А.Аванесов. Криминология и социальная профилактика. М 1980 С 459.Криминология общая часть. 2002 г.